



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 81 (10.134)

2004 ЙИЛ 28 АПРЕЛЬ

Маҳаллий хом ашёдан бежирим болалар устки кийимлари, қўлқоп ва бош кийимлар ишлаб чиқараётган «IGO-TEX» масъулияти чекланган жамияти ходимлари айни пайтда ички бозоримизни ўзининг харидоргир маҳсулотлари билан тўлдирётган корхоналардан ҳисобланади.

СУРАТДА: корхонанинг моҳир тўқувчиси Камола Акбарова ўз ишидан мамнун.



ПРЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА сатрларда

- **ТОШКЕНТ** ҳарбий аэродромида муҳим ҳарбий хизматга қақирлувчи ёшларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.
- **ЭРТАГА** «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида «Никоҳ ва оила маросимлари» маркази қошидаги «Еш оила қурувчилар мактаби»нинг навбатдаги машғулотлари ўтказилди.
- **БУГУН** «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан иқтидорли ёшлар ўртасида «Тошкент — ёшлар нигоҳида» деб номланган деворга расм чизиш бўйича кўрик-танлов бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Акмал Икромов туманидаги Абдулла Қаҳҳор номи маданияти уйда «Ўзбекистон — кўшиқ байрами» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Миллий матбуот марказида мактаб ўқувчилари ўртасида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Ушбу тадбир Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси ҳамкорликларида ташкил этилди.
- **ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШ** банки акциядорларининг жорий йилнинг шу кунига бажарилган ишлар ва келгуси режалар муҳофазасига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг 10 йиллиги муносабати билан иқтидорли болалар ўртасида ташкил этилган «Санъат гунчалари» кўрик-танлови қатнашчиларининг концерт дастури намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда бугунги кунда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш муҳим устувор вазифалардан саналади.

Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади албатта. Зеро, фарзандлари соғлом ва бақувват юрт қудратли бўлур, деб бежиз айтилмаган.

Шу мақсадда кунни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Репродуктив саломатлик маркази ҳамкорлигида бўлиб ўтган «Соғлом она ва бола — юрт таянчи» мавзусидаги тадбирда ҳам ушбу фикрлар ўз ифодасини топди.

Саломатлик институти, «Сен ёлғиз эмассан», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, халқаро «Zdrav(plus)» UNA» ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати

юртимиз аҳолисининг репродуктив саломатлигини яхшилашга қаратилди.

— Оила жамиятнинг бир бўғини. Она ва бола саломатлиги эса мустаҳкам оила асосидир, — деди жумладан тадбирда сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Нурия Туреева. — Аввало оилада репродуктив саломатлигини таъминлаш учун аҳоли тиббий маданиятини шакллантириш зарур.

Дарҳақиқат жамиятда аёлнинг, оналарнинг ўрни беқиёсдир. Чунки улар келажикимиз меваси бўлган фарзандларни тарбиялаб вояга етказадилар.

Бунинг учун албатта оналарнинг саломатликлари муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган хайрли тадбирлар фикримиз дэлилидир. Жумладан, оилада тиббий саводхонликни ошириш, ёшларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш, аҳоли ўртасида тиббий-ижтимоий патронаж йўналишини татбиқ этиш каби амалга оширилаётган долзарб ишлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Ушбу давра суҳбатида сўзга чиққанлар ҳам бу каби масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Президентимиз Ислам Каримов Фармонига биноан кўп йиллик самарали ижодий меҳнати, ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланди.

ЮКСАК МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабни тақдирлаш маросими бўлди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари томонидан маданиятнинг барча соҳалари каби адабиёт равиқига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани, ижодкорлар меҳнати муносиб тақдирланаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид

Фулом Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлангани ҳам бунинг яна бир далилидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов адибга ана шу орденини топширди.

Ҳамид Фулом ўз ижодий меҳнатлари тақдирлагани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

XXI саҳоси

Барча малбалардан
олкиган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

● Иккинчи чақирғиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV-сессияси олдидан Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси; Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси; Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси; Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси ҳамда Матбуот ва ахборот кўмитасининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Сессия олдидан республика-мизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг Олий Мажлисидаги фракциялари ҳам ўз йиғилишларини ўтказишди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

● Тошкентда бошланган халқаро учрашувда наркотрафик ва у билан боғлиқ жиноий бизнесга қарши курашда Марказий Осиё мамлакатлари, халқаро ташкилотлар ва жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги сатъ-ҳаракатлари билангина сезиларли натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақида сўз юритилди.

● Наманган муҳандислик-иқтисодий институти вилоятдаги йирик заводлар, қўша корхоналар, акционерлик жамиятлари ва ширкат ҳўжаликлари билан ижодий ҳамкорлик юзасидан шартнома имзолади.

Жаҳонда

● Стратсбург шаҳрида Европа Иттифоқи Парламент Ассамблеясининг навбатдаги сессияси бошланди. 5 кун давом этадиган сессияда қочқинлар, Косоводаги вазият, Европа иқтисодиёти ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

● Австрияда бўлиб ўтган Президент сайловларида муҳолифатдаги социал-демократик партия номзоди Хайнц Фишер сайловчиларнинг 52,4 фоиз овозини олган ҳолда ғалаба қозонди.

● Ҳиндистонда парламент сайловларининг учинчи босқичи бошланди. Ҳиндистон парламенти қуйи палатасига сайловлар 5 босқичда ўтади ва кейинги босқичлар 5 ҳамда 10 майга белгиланган.

● Жаҳондаги қашшоқ мамлакатлар қаторига кирувчи Непал Бутунжаҳон савдо ташкилоти таркибига кирди.

● Тбилисида Грузиянинг «ДАТВИ» сиёсий ташкилоти раҳбари мамлакатнинг собиқ ички ишлар вакили Темур Хачишвили ноқонуний қурол сақлаганликда гумон қилиниб, ҳибсга олинди.

● Индонезия хавфсизлик хизмати оқилона сатъ-ҳаракатлари натижасида мамлакатда содир этилиши мумкин бўлган йирик террорчилик ҳуружининг олди олинди. Маълум бўлишича, 20 тонна қимёвий модда юкланган юк машинаси АҚШ элчихонаси ва АҚШнинг Иорданиядаги ҳар хил ташкилотлари ёнида портлатилиши кўзда тутилган экан.

Иқтисодиёт

ЯНГИ ЦЕХЛАР

Ўзининг қудратли техникалари билан танилган «Тошкент трактор заводи» ҳиссасдорлик жамиятининг ишлаб чиқариш қуввати бугунги кунда тобора ортиб бормоқда.

Ҳозирда заводнинг қуйиш, пайвандлаш, қолиплаш, механик-йиғув, терма гальваник, тиркама ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш каби бир неча цехларида ишчи-хизматчилар майда деталлардан қудратли техникалар ишлаб чиқармоқдалар. Айни пайтда корхонада ўнга қкин тракторлар тайёрланмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми ортиганлиги боис корхонанинг моддий техника негизини янада мустаҳкамлаш мақсадида «ТТЗ-Даст» деб номланган мустақил корхона барпо этилди. Янги юзага келган бу механик цехда тракторлар учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар тайёрланади. Шунингдек, заводда «ТТЗ-асбоб» корхонаси ҳам ташкил этилган бўлиб, бу ерда зарур асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Асосан «Тошчишлоқмаш», «Чирчикчишлоқмаш» очик ҳиссасдорлик жамиятлари, «Агрегат» заводи, «Локколор синтез» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда иш олиб бораётган заводда пахтачиликка мослашган тракторлардан ташқари янги шовкинсиз кабиналар тракторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

МАҲСУЛОТ
ТУРЛАРИ
КЎПАЯДИ

Шаҳримиздаги «Nur-el Biznez» масъулияти чекланган жамиятнинг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да тез орада ҳар жиҳатдан сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар каторидан ўрин эгаллади.

Асосан турли шаклдаги лампалар қандиллар, шар ва пахтасимон ёриткичлар ҳамда ҳар хил ҳажмдаги люминисцент электр лампаларини ишлаб чиқараётган корхонада Россиядан келтирилган полистирол хом ашёси ҳамда металлга ишлов бериш орқали замонавий қўриқчида ёриткичлар тайёрланмоқда.

Ҳозирда корхонанинг ишлаб чиқараётган маҳсулот турлари 15 хилдан зиёд бўлиб, улар ишлатилиш жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Асосан ўзига хос безакли қандилларни тайёрлашда унинг дастлаб чизма варианты танлаб олинади. Маҳсулотга безак, ранг ва жило бериш каби барча жараёнлар корхонанинг қўли гул ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ҳозирда йилга 500 миллион сўм миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган корхона аҳлининг асосий мақсади нафақат ички бозоримизда рақобатга чиқариш маҳсулот тайёрлаш, балки экспорт ўрнини боса оладиган, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Орзугул РУСТАМОВА

— Анвар Аҳатович, айтингчи, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизматнинг қандай турлари мавжуд?

— Ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қурулли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир. Шунингдек, ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари жорий этилган: мuddатли ҳарбий хизмат; сафарбарлик қақирув резервидаги ҳарбий хизмат; контракт бўйича ҳарбий хизмат; Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида мuddатли ҳарбий хизматга, шунингдек, сафарбарлик қақирув резервидаги хизматга 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қурулли Кучлар сафига ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар қақирилди.

— Янги турдаги Сафарбарлик қақирув резервидаги хизмат тўғрисида баътафсилроқ маълумот берсангиз.

— Мuddатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлган ҳамда қақирилиш мuddатини кечиктириш ва қақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қурулли Кучлар сафига навбатдаги мuddатга қақирилмаган йигитлар қақирув резерви сафига олинадилар.

Сафарбарлик қақирув резерви сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йигинлари худудий принцип асосида ва хизмат даврида бир марта, бир ойлик ҳарбий йигинда хизматни ўташда ташкил этилади.

Сафарбарлик қақирув резервидаги хизмат сафига олинган шахслар томонидан тўланган маблағлар (энг кам миқдориди иш ҳақининг 25 баробари миқдориди, биринчи бадал — 25 фоиз, қолган бадал йил мобайнида тўланади) махсус ҳисоб рақамиди жамланади. Хизмат сафига олинган шахслар томонидан бадал тўлиқ тўланганидан сўнг 12 ойдан кейин ҳарбий гувоҳнома берилади.

27 ёшга тўлган ва сафарбарлик қақирув резервида хизматни ўтаганлар Қурулли Кучлар резервида қиритиладилар.

— Мuddатли ҳарбий хизматга қақирилганларни саралаш қандай тартибда олиб боришмоқда?

— Фуқароларни мuddатли ҳарбий хизматга қақирлиш олдинги қақирувларга нисбатан фарқли бўлиб, танлов асосида ўтказилмоқда ва унга асосан қуйидаги талаблар қўйилади: соғлигининг аҳоли; умумтаълим тайёргарлиги; интеллектуал даражаси; моддий шароити; жисмоний тайёргарлиги; руҳий устунлиги.

— Шаҳар ва туман қақирув йигин пунктларида қақирилувчиларни қабул қилишга қандай тайёргарлик кўрилади?

— Баҳорги қақирқ вақтига қақар Бек-

Баҳорги қақирқ

УЮШҚОҚЛИК
БИЛАН ЎТМОҚДА

Айни кунларда республикаимизнинг барча худудларида, хусусан пойтахт шаҳримиз ва унинг барча туман мудофаа ишлари бўлиминларида баҳорги ҳарбий хизматга қақирув ишлари қизгин давом этмоқда. Жисмонан соғлом, тиббий кўрик ва танловдан муваффақиятли ўтиб, мuddатли ҳарбий хизматга яроқли деб топилган бўлажак юрт посбонлари миллий армиямиз сафларига ўз йигитлик бурчларини ўташ учун кузатишмоқда. Биз Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси қақирув бўлимининг бошлиғи Анвар САЛОМОВ билан Қурулли Кучларимизда амалга оширилаётган ислотлар, қақирув пунктида айни кунларда олиб борилаётган юмушлар ҳақиди суҳбатлашдик.

темир туман мудофаа ишлари бўлими худудиди янги қақирув пункти қурилди. Миробод ва Юнусобод туман қақирув пунктлари бинолари тўла таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий анжомлар билан таъминланди. Шаҳар йигин пунктида эса тўлиқ ремонт ишлари режалаштирилган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ёрдами билан қақирилувчилар учун кўп енгилликлар ташкил этилди. Эндоскопия хонаси, УЗИ, ЭФГДС ва ЭКГ хоналарининг йигин пунктнинг ўзиди ташкил қилинган қақирилувчилар керакли тиббий кўриқдан қақирув пунктида ўтишлари учун имконият яратди.

Ушбу янгилик қақирилувчиларнинг танлаш сифатини оширишга ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

— Анвар Аҳатович, кимлар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотиди ўқитиш ҳуқуқига эга ва уларга

қандай имтиёзлар берилади?

— Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларида ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка 17 ёшга тўлган, саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли ҳамда тайёргарлик тугаганидан кейин ҳарбий хизматга қақирилиш лозим бўлган қақирилувчилар жалб этилади. Улар «С» тоифали ҳайдовчи, алоқа мутахассиси ва Миллий Авиация спорт клубида «парашютчи» мутахассислигига ўқитилади. Уларнинг ўқув жараёнида эгаллаб турган лавозими ва ўртача маоши сақланиб қолади.

— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий ўқув муассасаларига киришни ихтиёр этган номзод қандай ҳужжатларни тўплаши керак?


— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий ўқув муассасаларига кириш учун: номзод яшаб турган туман мудофаа ишлари бўлимининг бошлиғи номига ариза; туғилганлиги ҳақиди гувоҳнома-нинг нотариусда тасдиқланган нусхаси; ўрта маълумот ҳақиди-ни шаҳодатнома ёки диплом-нинг нусхаси ва 10-11-синф-нинг табели (ўқувчилар учун); таржимаи ҳоли; тавсиянома; турар жойи ва оилавий шароити тўғрисида маълумотнома; отаси ёки онасининг иш жойидан маълумотнома; туман ички ишлар бўлиминдан қақирилувчи милиция турмаганилиги ҳақиди маълумотнома; математика, физика ва адабиётдан ёзма ишлари; 3 х 4 сантиметр ҳажмдаги 6 та расми, 4,5 х 6 сантиметр ҳажмдаги 6 та расми, тиббий кўриқнинг ҳамма ташхислари каби ҳужжатлар керак бўлади.

Биз қақирув бўлимининг бошлиғи Анвар Саломов билан суҳбат жараёнида шуни аниқладики, қақирувнинг уюшқоқли билан ўтишида катор жамоат ташкилотлари, хусусан «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Қамолот» ЁИХ билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Демакки, янги таҳрирда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун ҳаётга тўлиқ татбиқ этилмоқда. Миллий Армиямиз сафлари жисмонан соғлом, маънан етук кадрлар билан тўлдирилмоқда.

Шоира МУҲАМЕДОВА
суҳбатлашди.

МАМЛАКАТДА ЭЛЕКТРОН
ОАВНИНГ РОЛИ

Тошкентда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда «Интерньюс-Ўзбекистон» ҳамкорлигида «Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда электрон ОАВнинг ўрни ва роли» мавзусида семинар ўтказилди.



Унда республикадаги нодавлат телерадиокомпаниялар раҳбарлари ва бош муҳаррирлари иштирок этди.

— Маълумки, ўтган йилнинг охирида мамлакатимизда фаолият юритувчи барча нодавлат телерадиокомпаниялари ва кабелли телевидениелар вакиллари иштирокида таъсис анжумани ўтказилиб, унда Ўзбекистон электрон оммавий ах-

борот воситалари миллий ассоциацияси тузилганди, — деди ассоциация раиси Фирдавс Абдухоликов «Туркхон-пресс» муҳбирига. — Ассоциацияни ташкил этишдан мақсад, республикада ОАВнинг маданият бозорини ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда миллий электрон ОАВнинг родини кенгайтиришдан иборат. Ҳозирда ассоциациянинг 45 та аъзоси бор.

Семинарда Ўзбекистон телерадиоушувчилари хартияси ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси профессионал журналистнинг Ахлоқ кодекси қабул қилинди. Ассоциация аъзолари бундан буён ўз фаолиятларини мазкур ҳуж-

жатлар қоида ва меъёрлари доирасида амалга оширади.

Шунингдек, семинарда «Жамият учун ижтимоий муҳим лойиҳаларни амалга оширишда электрон ОАВнинг роли», «Ўзбекистонда демократик жараёнларни ривожлантиришда журналистларнинг роли», «Ўзбекистонда сайлов ва парламент ислототи, демократияни ривожлантиришда сиёсий партияларнинг роли», «Халқаро терроризмга қарши кураш муаммосини ёритишда ОАВнинг роли» ва бошқа мавзуларда маърузалар қилинди. Электрон ОАВнинг истиқболлари ҳамда уларнинг амалий ечими билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда «Ўзинг ўқиган мактаб» мавзусида энг яхши ижтимоий роликлар танлови эълон қилинди. Бундан буён ҳар йили ассоциация томонидан энг яхши телерадиокомпания ва телерадиожурналист йўналишлари бўйича танловлар ўтказиб бориш режалаштирилди.

Семинар иштирокчилари



ҳозирда муаллифлик ва лицензия ҳуқуқи бўйича, ишлаб чиқарилган телерадиодастурларнинг сони ва сифатини ошириш, хусусий дастурлар ишлаб чиқариш кенгайтириш ва дастурларни давлат тилида бўлиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишди.

Шу билан бир қаторда пойтахтдаги «Бунёдкор» телеклуби таъсисчилар таркибига кириш учун ассоциация ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўртасида битим тузишга келишиб олинди.

Инобат ЭҒАМҚУЛОВА,
«Туркхон-пресс»
СУРАТЛАРДА: семинардан лавҳалар.

Саъят

ИЖОД
НАМУНАЛАРИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азиза Маматова мўйқалам санъатида биракали ижод қилиб келмоқда. У яратган асарлар асосида ташкил этилаётган кўргазмалар томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Ўзбекистон Давлат санъат музейида намойиш қилинган шахсий кўргазмадан рассомнинг асосан портрет асарлари ўрин олди. Бу ижод намуналарининг аксарияти машхур адиб ва санъаткорларга бағишланган. «Навоий», «Абдулла Қодирий», «Чўлпон», «Усмон Носир» сингари картиналар рассом ижодий маҳоратидан далолат бериб турибди.

«Бехзод» деб номланган картина эса Шарқ миниатюра санъатининг асосчиси Камолдин Бехзод таваллудининг 550 йиллигига яхши совға бўлди.

ЁШ СОЗАНДАЛАР
МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида уюштирилаётган концертларда истеъдодли ёш музикачилар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Олий музика мактабининг профессори Баҳром Қурбонов синфида таҳсил олаётган ёш скрипкачилар тароналар ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирмоқда.

Умидли созанда Татьяна Гелязетдинова эса машхур композитор Моцартнинг асарларини севиб ижро этмоқда. Ижодкорнинг «Бешикчи скрипка концерти» ҳам яқинда бу истеъдодли созанда томонидан маҳорат билан тақдим этилди.

Консерватория талабалари симфоник оркестри жўрлигиде янграган ушбу концерт устозлар томонидан яхши баҳо олди.

ТЕАТРИНИНГ
ЖЎШҚИН
ФАОЛИЯТИ

Бундан 75 йил аввал бу санъат қошонасига асос солинган эди. Чиндан ҳам Ўзбекистон ёшлар театри шу давр мобайнида ўсиб, республикамизда кўзга кўринган томоша даргоҳига айланди.

Дастлаб ёш томошабинлар рус театри сифатида ўз фаолиятини бошлаган ушбу маданият маскани 1998 йилдан эътиборан Ўзбекистон ёшлар театри номини олди. Ижодий жамоа томонидан сахнага олиб чиқилган спектакллар ёш томошабинлар эътиборини ўзига тортиб келмоқда.

Ўтган йил ҳам актёрлар учун самарали бўлди. Ижодий жамоа ташаббуси билан уюштирилган «Хумо» ёшлар театри халқроқ фестивали муваффақиятли ўтди.

Унинг сахнасида кўрсатилган «Шум бола» постановкаси Москва томошабинларига ҳам манзур бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Анжуманлар

ХОТИРА – МУҚАДДАС,
ҚАДР – САВОБДИР

Ўтар неча баҳорлар гулгун,
Неча умр кузлари кечиб,
Замин узра саф тортиб бир кун,
Биз кетармиз қушлардай кўчиб.
Бир бебаҳо маъдан қолади,
Биздан озод Ватан қолади.

Бугунги кунда халқимиз ардоғидаги се-

вимли шоир Муҳаммад Юсуф номини билмайдиган, уни танимайдиган киши бўлмас керак. Унинг дилга яқин жўшқин шеърлари аллақачон қалбларимиздан жой олган. Чунки у она юртни улуг'лаган, озод Ватан шаънини кўкларга кўтариб мадҳ этган шоир. Шунинг учун ҳам унинг номи шеърлари каби қалбларимизда ардоқли бўлиб қолади.

«Камолот»

БИР ТУМАН
ЯНГИЛИКЛАРИ

Сергели тумани ёшларини маънавий баркамол, ўз она-Ватанининг тарихини мукаммал ўрганган, билимдон фарзандлар қилиб тарбиялаш, уларни халқимиз ўтмиши, ўзбек давлатчилиги заминларини англаб етишларига кўмаклашиш, тарихимиз тўғрисидаги билимларни тўғри шакллантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси йўлида туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Аждодлар мероси ва бой тарихимиз — буюклик рамзи» кўрик-танловининг финал босқичи ўтказилди.

Кўрик-танлов иштирокчилари маҳалла ҳаёти ва унинг тарихи, маҳалладаги тўғрақлар фаолияти, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган меҳр-муруват ишлари, ёшлар муаммолари ва уларнинг қандай олдини олиш ҳамда санъаткорлик қобилиятларини намойиш этди. Унда 317-мактаб жамоаси ғолибликни кўлга киритди.

Танловда иштирок этган жамоаларга Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Туман умумтаълим мактаб ўқувчилари, туман ИИБ рўйхатида турадиган тарбияси оғир ўсмирлар ўртасида спортнинг миллий ва оммавий турларини ривожлантириш соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ажралмас қисми эканлигини эътиборга олган ҳолда жисмонан бакуват, иродали, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш ва балоғатга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар,

Яқинда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва боғ маъмурияти ҳамкорлигида «Маънавият гулшани» ёшлар даврасининг «Хотира — муқаддас, қадр — савобдир» туркумида Ўзбекистон халқ шоири марҳум Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан «Оташқалб шоир» мавзусида адабий-музика анжумани бўлиб ўтди.

Таниқли шоирлар, унинг яқин дўстлари, ҳамкасблари, яқинлари ва оила аъзолари оташқалб шоир Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хотираларини ёдга олдилар.

Гулором ШОКИРОВА

ғиёванд моддалар истеъмол қилишнинг олдини олиш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, Ватанга муҳаббат туйғуларини синдириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими, туман халқ таълими бўлими, туман Ички ишлар бўлими, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ўзаро ҳамкорлиқда «Ёш ватанпарварлар» спорт мусобақасини ўтказиш бўйича қўшма дастур имзолаган эди.

Қўшма дастур бўйича мактабларда декабрь ойидан бери мусобақалар уюштирилиб келинди. Тумандаги барча умумтаълим мактабларининг 8-11 синф ўқувчилари ушбу кўрик-танловда иштирок этиб, қопток билан югуриш, моҳир ҳужумчи, ким эпчилу ким чақкон, мерган, арқон тортиш каби мусобақа шартларида ўзларининг жисмоний баркамол, бакуват ва соғломликларини намойиш этдилар. Мусобақанинг финал босқичига 2 ва 300-мактабларнинг жамоалари чиқишга муваффақ бўлдилар ҳамда кескин қурашлардан сўнг ғолибликни 300-мактаб жамоаси кўлга киритди.

(Ўз мухбиримиз)

КУТУБХОНА
ИНТЕРНЕТГА УЛАНДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Интернет маркази иш бошлади. Энди китобхоналар нафақат юртимиздаги, балки АҚШ, Буюк Британия, Россия, Малайзия каби давлатларнинг электрон кутубхоналаридаги адабиётлар билан ҳам танишиш имконига эга бўлди.

Юртимиздаги энг йирик кутубхоналардан бири бўлган ушбу зиё масканида кўплаб нобб бадий, илмий асарлар, даврий матбуот, маҳаллий ва хорижий нашрлар мавжуд. Айни вақтда у кутубхонашунослик, кутубхона иш тарихи йўналиши бўйича маълумотларни ўзида жамловчи ва мувофиқлаштирувчи йирик илмий тадқиқот маркази ҳамдир.

ЎЗА

ОНА ДИЁР МАДҲИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Тошкент фотография уйи томонидан амалга оширилаётган тадбирлар жойларда қизиқиш уйғотмоқда. Ўз атрофига кўплаб моҳир сураткашларни тўплаган бу ижодий жамоа она диёримизни мадҳ этувчи бадий фотосуратларни тарғиб қилишга ҳам эътиборни қаратмоқда.

Тошкентдаги Сергей Есенин музейида ташкил қилинган фото кўргазма ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Ўзбекистон Бадий академияси фотография шўъбаси аъзолари ҳисобланган қатор моҳир сураткашлар томонидан мангу лаҳзаларга айлантирилган суратларни ўз ичига олган бу экспозиция жойларда ҳам намойиш қилинади.

Фотография уйи мазкур шўъба билан ҳамкорликда янги кўргазмаларни ташкил этишни ҳам режалаштирди.

(Ўз мухбиримиз)

ЗАМОНАВИЙ
МУСИҚА
ФЕСТИВАЛИ

Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Илҳом-XX» замонавий музика фестивали бошланди. Фестивални Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорлигида ўтказмоқда.

Мазкур фестиваль 1 майгача давом этади. Унга Ўзбекистон очик жаҳияти, Виктор Гюго номи Франция маданият маркази, Швейцария кўлаб-қуватлаш фонди, Британия кенгаши, Гёте институти ва бир қанча маданият марказлари ва юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ҳомийлик қилишмоқда. Россия, Италия, Франция, Германиядан ташриф буюрган музикашунос олимлар, машхур бастакорлар фестивал давомида унинг иштирокчиларига, талабаларга музикашунослик, бастакорлик, торли чолғулар каби бир қатор музикага оид соҳаларда устоз сабоқларини бериб боришади.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон бастакорларининг асарларидан тўзилган концерт уюштирилади. Шунингдек, ҳар хил кўргазмалар ҳам ўрин олади. Хориждан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам ўзларининг концерт дастурларини намойиш этишади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Мағшин

БЕПУЛ ЎҚУВ КУРСИ

Ўзбекистондаги Қозоғистон маданияти марказида алоҳида таълим синфи ташкил этилди. Турли ўқув жиҳозлари билан таъминланган бу синфда қозоқ тилини ўрганиш сабоқлари уюштирила бошланди.

Машгулотта асосан русий забон талаба ёшлар жалб этилди. Шу билан бирга қозоқ тилини ўрганишга қизиқувчи бошқа миллат вакиллари ҳам сабоқларда қатнашиш истагини билдирдилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш

жонски, ушбу курс учун махсус ўқув қўлланмаси яратилди. Бу нашладан бир неча нусхаси қозоқ маданияти марказига тортиқ қилинди.

Бундай ўқув курси машгулотлари бепул ташкил этилмоқда.

Анвар ВАЛИЕВ

Тошкентда «Театр баҳори — 2004» фестивали бўлиб ўтмоқда. Фестиваль Россия Федерацияси элчихонаси ҳамда «Ўзбекистон-Россия» дўстлик жаҳияти кўмағида Республика Рус маданият маркази томонидан ташкил этилди.

САХНАДА БАҲОР

Рус маданияти маркази раиси Светлана Герасимованинг маълум қилишича, ушбу фестивални ўтказишдан мақсад расман театр макомига эга бўлмаган ҳаваскор ёшлар жамоаларининг ижодий фаолиятини кўлаб-қувватлашдан иборат. Ушбу фестиваль дўстлик жаҳияти билан ҳамкорликда иккинчи мартаба ўтказилмоқда. 2003 йилда ўтказилган дастлабки фестиваль ижобий натижалар берди. Хусусан, кўпгина ёш актёрлар режиссёрлар назарига тушди. Ҳозирда улар турли хил ижодий лойиҳаларда иштирок этмоқдалар.

Бу йил тадбир иштирокчиларининг сафи янада кенгай-

ди. 11 та кичик театрлар ўз асарларини тақдим этишмоқда. Улар орасида Тошкентнинг «Вдохновение», «Киефа», «Логос», «Оптимист», «Югенштер» студиялари, мактаб театрлари ҳамда Навоий шаҳрининг «Логос-нур» ва «Қақус» ногиронлар студиялари бор.

«Театр баҳори—2004» фестивали спектакллари пойтахт театрлари, Республика Байналимал маданият маркази, маданият уйлари ҳамда мактаблар сахналарида бўлиб ўтмоқда. Ҳаваскорлар театри байрами нияҳсида ташкилотчиларнинг давра суҳбати ўтказилди.

Н.ДЕВЛИСУПОВА,
«Туркистон-пресс»

Ўғил-қизларимизга билим бериб, касб-хунар сирларини ўргатишда, кичик мутахассисларни юқори даражада етиштириб чиқаришда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган касб-хунар коллежаларининг ўрни алоҳидадир. Айниқса, замонавий ва кўркем кўринишга эга бўлган, шинам ва кулай жиҳозланган ўқув хоналарида ёшларга билим бериш, хунар сирларини ўргатиш, касб эгаллашларига сидқидилдан ёрдам бериш педагогларнинг ҳам ғайратига ғайрат кўшади.

Қурилиш майдонларида


БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА

Ана шу боисдан бўлса керак, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ижросини таъминлаш мақсадида юртимизда академик лицей ва коллежлар қурилишига, мавжудларини жаҳон андозалари даражасида қайта таъмирлаш ва замонавий жиҳозлашга эътибор қаратилган. Бу албатта келажак авлодга, мамлакатимиз эртасини яратувчи ўғил-қизларимизга кўрсатилаётган ғам-хўрликнинг ёрқин намунасидир.

Чилонзор туманида жойлашган Юнус Ражабий номли педагогика коллежи ҳам янги ўқув йилидан ўзгача қиёфа касб этади. Ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида ҳозирда ҳақиқий қурилиш майдонига айланган ушбу билим масканида қурилиш-тиклаш ишлари жалаллик билан давом этмоқда. Бунёдкорлик ишларини тендерда голибликни қўлга киритган ҳамда қурилишда яхшигина тажрибага эга бўлган «Туронмарказқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 1-қурилиш бошқармаси қурувчилари бош пудратчи сифатида йил бошидан бошлаган. Албатта, уларга барча ишларни кўнгилдагидек адо этишда жамиятнинг 3-қурилиш бошқармаси пардозлаш, «Чирчик-негромонтаж» трести электр, «Таъмирқурилиш» хусусий фирмаси сантехника, «Хамкорқурилиш» ва «Туронсервис» шўба корхоналари бошқа юмушларда астойдил қамарбасталик қилишмоқда.

Зиммамизга олган барча қурилиш-тиклаш, пардозлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари жамоамиз ахлидан алоҳида масъулиятни талаб этади, — дейди 1-қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Махмуд Мираҳмедов. — Жорий йил январь ойи ўрталаридан иш бошлаган бўлсак, бугунга келиб блок ишларининг 95 фоиздан зиёдини бажаришга муваффақ бўлдик. «Тошпирогор» — Тошкент шаҳрини лойи-

жиҳозлаб, ёнги спорт майдончасидан гандбол, баскетбол, югуриш шохобчалари ўрин олади. Бу, шубҳасиз талабаларнинг жисмонан соғлом бўлишларида шу билан бирга машғуллотлар ўтказишларида муносиб ўрин эгаллайди.



Бугунги ишлар хусусида батафсил тўхталадиган бўлсак, «А» блокда пардозлаш ишлари кетяпти, у май ойи охириларида талаба ва педагоглар ихтиёрига топширилади. Иккинчи — «Б» блок эса янги ўқув йилига барча жиҳозлари билан шай ҳолга келтирилади. Асосий эътиборни сифат ва мустаҳкамликка қаратаётган қурувчилар маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланишмоқда. Энг муҳими эса қайта қуришдан сўнг ўқув фанлари ва лаборатория кабинетлари, лингафон ва информатика, мусика хоналари талабаларга билим олишда, касб сирларини эгаллашда ўзгача бир қўлайлик туғдиради. Спорт заллари нафақат қуриб битказилади, балки давлат таълим андозаларига мос тарзда жиҳозлаб ҳам берилади, тренажёр майдончаларида бемалол шугулланиш

Акмалов, Шухриддин Чинов сингари бунёдкорларнинг шижоатларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Негаки уларнинг сифатга, тезкорликка қаратаётган эътиборлари ҳамкасбларига ҳамisha ўрناк бўлаяпти.

Албатта, янги ўқув йилини қоллеж педагоглар ва талабалар жамоаси ортиқчи кўтиши табиий ҳол. Шу боисдан ҳам коллеж директори Дилором Раҳимовани суҳбатда тортдик.

— Ҳукуматимизнинг коллежлар қурилиши, замонавий жиҳозлашга қаратаётган катта эътибори жамоамиз ахлига ҳам куч-ғайрат бағишлайди, — дейди у. — Коллежизмдаги қуриш-тиклаш ҳамда талаблар даражасида жиҳозлаш ишларидан эса умидимиз бениҳоят катта. Барчамизга маълумки, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи-сифат босқичи бошланди. Бу босқичда таълим сифати ва самарадорлиги таъминланиши кўзда тутилган. Биз ҳам мана шундай қўлайликлар яратилган биналарда, албатта муваффақиятларга эришишни, кичик мутахассисларни юқори савияда тайёрлаш масъулиятини ҳис этиб меҳнат қилишга ҳаракат қиламиз. Ана шундан мамнунмизки, қишда хоналаримизда иссиқлик тизимлари ишламасди. Лойиҳага кўра уларнинг барчаси қайта алмаштирилди. Ўқув хоналари ва фан кабинетлари, машғуллот хоналари, спорт заллари, ошхоналар кўриниши, қўлайлиги талабаларимизни билим ва касб сирларини мукамал эгаллашга ундашига шубҳа қилмайман.

Бугунги кунда коллежда кундузига ва сирти бўлимларида 800 нафарга яқин талаба мусика ва жисмоний тарбия, мактабгача таълим мутахассисликлари бўйича тахсил олмақда. Уларга 135 нафар педагог сабоқ бермоқда. Уларнинг барчаси янги ўқув йилида бунёдкорлардан ажойиб соғва қуттишмоқда. Ишонимизки, катта тажрибага эга бўлган бунёдкорлар уларнинг ишончини оқлаб, Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги байрамига муносиб соғва ҳозирлайдилар.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: ИБРОБЕК Тўланов сувочиллик сирларини мукамал эгаллаган; коллеж қурилишида фаолият кўрсатаётган бунёдкорлар: бригадир Сайфулло Гулдаев, ишбоши Қодир Искандаров ва сувочилар бригадаси сардори Иброҳим Тўланов.

Мустақиллик йилларида шаҳримиз кўчалари ўзгача чирой очди. Бу борада йўлсозларимиз ва маҳоратли лойиҳачиларнинг муносиб ўрни бор. Айниқса, йўлу кўчаларни бир-бирига боғлаб, транспорт воситалари қатновига қўлайлик яратётган, тиқилинчликларнинг олдини олаётган мустаҳкам кўприкларни айтмайсизми?! Албатта, бундай йўл ва кўприклар ўз-ўзидан бунёд бўлмайди. Сержамасқат меҳнат, кўплаб маблаг, қурилиш ашёлари сарфланади, улар учун сифатли қурилиш материалларини тайёрлаш эса янги технологиялар, изланишлар самарасидир. Ана шу йўлда меҳнат қилаётган инсонларнинг ишлари савоби ҳисобланади. Савоб олишнинг эса ўзи бўлмайди. У қилинган меҳнат, сарфланган ғайрат, яхшилиги эзгулик билан ўлчанади.

«Тошхажайрўлқурилиштаъмир» трестига қарашли умумий технологик ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбари Собир Нишонов ҳам ҳамisha эл-юрт хизматига шай турган, бунёдкорлик юмушларида муносиб ҳисса қўшган, эзгуликка интилувчан инсонлар сирасига кирди. Ахир бежизга унга муносиб мукофот берилмади-да. Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида кўрагини безаган, «Дўстлик» ордени бунинг ёрқин далилидир.

1977 йилда Тошкент политехника институтини (ҳозирги Техника университети)ни тугатган Собир Нишонов қардаш ишламасин, ўз иқтидорини, меҳнатсеварлигини, ташиқлотчилигини намойён этди. 1986 йилдан эса ишда ортирган тажрибалари асосида ушбу бошқармага механикликка қабул қилинди. Орадан

бир неча йил ўтгач у шу жамоага раҳбарлик лавозимига тайинланди. Албатта, 450 нафар ишчи-хизматчини бириктирган жамоага раҳбарлик қилиш, барчанинг кўнглини топиш, олдинда турган вазифаларни муттасил бажаришга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун нафақат билим, балки маҳорат, талабчанлик, ишчанлик, тажриба керак. Бу хислатларни ўзига мужассас лантира олган Собир Нишонов жамоад эл-юрт хизматлиги яхши иш шароити яратиб, сифатли маҳсулот тайёрлашига, буюртмаларнинг вақтида адо этилишига эришмоқда. Цехларнинг бир маромда ишлаши, хом ашёнинг вақтида келтирилиши меҳнат унумдорлигини таъминламоқда.

— Асосий вазифамиз пойтахтимизга йўл қурилиши учун материаллар, яъни асфальт, бетон ариқчалар, йўл четига ўрнатиладиган бордюрлар ишлаб чиқариб, уларни буюртмачиларга етказиб беришдир, — дейди Собир Нишонов. — Шаҳримиз кундан кунга чирой очаятган, йўл ва йўлқалар қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда бу вазифа бизнинг зиммамизга юксак масъулият

оқлайди. Ана шу масъулиятни адо этиш йўлида эса бугунги шароитдан, имкониятдан оқилона фойдаланишга, янгиликларни илг-

лар қаторида текис ва раван, кенг йўллар ҳам унинг фойзини оширади. Шундай кўркемликка ҳисса қўшаётган йўлсоз ва кўприксозларга эса биз ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз низоҳатда қўл келлади. Энг муҳими эса уларнинг мустаҳкамлиги, қўлайлиги етказиб бераётган маҳсулотимиз сифатига боғлиқ. Ишчи-хизматчиларимиз бунинг яхши тушунишди.

Собир ака цехлардаги иш жараёнини, буюртмалар бажарилиши ҳамда маҳсулот сифатини назоратдан қочирмайди. Талабчанлик билан биргаликда ҳамкасбларига, ишчиларга ҳушмуомалалик, муаммоларни вақтида бар-тариф этиш, кези келганда ёрдам бериши ҳам ёнда тугади. Шогирдларидан эса маслаҳатларини аямайди. Шу боисдан бўлса керак Дилмурод Қодиров, Акмал Рихсиев, Матлаб Исмоилов, Фарход Ахоров сингари шогирдлари бугун етук му-ляри Собир ака Садида унга ҳар бир ишда кўмаклашишади.

— Собир ака нафақат қўл остидаги ишчиларга, балки Ўзига ҳам талабчан, — дейди унинг шогирди, бош муҳандис Акмал Рихсиев.

Ҳишондорларимиз

МЕҲНАТ МАҚСАДГА ЕТАКЛАЙДИ

Йўлинг раван бўлса манзилга бир зумда етсан, кайфиятнинг ҳам бузилмайди. Шу боисдан бўлса керак, йўлнинг раванлиги дилнинг равшанлиги, деймиз. Ана шунда раван ва текис, жаҳон андозалари даражасидаги йўл қурувчилар меҳнатидан, бугунги ғайрат-шижоатидан мамнунлик туя-сиз кўнглингизда.



аб олишга ҳаракат қиламиз. Корхонамиздаги 14 та цехда, айниқса буюртмаларни тез ва соз бажариш жараёни жадал олиб борилади. Шундан фахрланамизки, пойтахтимизга чирой қўшган гўзал ва салобатли иншоот-

Тадбиркорлик

СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ

Қад ростлаган бинонинг, хоҳ у муҳташам иншоот, хоҳ оддийгина уй бўлсин кўркем-лиги ва чиройи нафақат лойиҳачи ҳамда бунёдкорнинг маҳоратига боғлиқ. Унинг гўзал кўриниши ва мустаҳкамлиги, дид билан пардозланишини таъминлашда қурилиш ашёларининг ҳам ўрни алоҳидадир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор, тадбиркорга яратилган шарт-шароитлар тўғрисида ҳам ана шундай сифатли ва рақобатбардош қурилиш материаллари тайёрлашни йўлга қўйган ишбилармонлар сафи кенгайиб бормоқда. Уларнинг хорижий линияларда илгор технологиялар ёрдамида ишлаб чиқараётган маҳсулотлари бунёдкорлик ишлари кўлами ва самарадорлигига муҳим ҳисса бўлиши, шубҳасиз.

Ана шундай корхоналардан бири «Саидмурот ота фарзандлари» хусусий фирмаси 1998 йилдан бунён фаолият кўрсатиб, тайёрланаётган маҳсулотлар тури ортиб бормоқда. Бу, албатта бозорни, буюртмачилар талабини ўрганиш, юртимизда қурилаётган биналарга ишлатилаётган материаллар сифатига эътибор қаратиш асосида амалга ошмоқда.

Биринчи ишимизни қурилиш материаллари билан савдо қиладиган дўкон қурилишидан бошлаган эдик, — дейди фирма раҳбари, тадбиркор аёл Мукамбар Мақсудова. — Аввало бунёдкорлик учун зарур қурилиш материалларини ўзимиз тайёрлашга қарор қилдик. Шу асосда ишлаб чиқаришнинг ҳам бошлаб юбордик. Қурилиш ишлари билан бир қаторда тайёрланган ва эътиҳдан ортиқча маҳсулотларимизга буюртмалар туша бошлади. Буюртмалар қўлайлиги эса цехимизни кенгайтиришга, маҳсулотлар турини ҳам кўпайтиришга, сифатини оширишга ҳаракат қилдик. Шу боисдан ҳам бугунги кунда бетон гишт (шлакоблоклар), шпатлёвка, гипс маҳсулотлари, ёғочдан безак рейкалари, металлдан

эшик, панжара ва деворлар, йўлка плитчаларининг бир неча хилини ишлаб чиқармоқдамиз. Муҳими эса маҳсулотларимизга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар бор. Жорий йилдан уларни Афғонистон ва Қозғистонга экспорт қилиш-ганимиз.

Ўтган йил якунларига назар ташлайдиган бўлсак, фирмада меҳнат қилаётган 19 нафар ишчи-хизматчининг изланишлари асосида 50 миллион сўмлик маҳсулот тайёрла-ниб, 19 миллион сўмлик соф фойдага эришилди. Эътиборли-ни шундаки, ушбу маҳсулотларнинг барчаси чет эл технологияларидан самарали фойдаланиб, маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда. Айни кунларда эса фир-мада янги маҳсулот — говакли плит-калар ва гипсланган карто-нлар тайёрлаш у ч у н с а ё й -ҳаракатлар давом

этиш, панжара ва деворлар, йўлка плитчаларининг бир неча хилини ишлаб чиқармоқдамиз. Муҳими эса маҳсулотларимизга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар бор. Жорий йилдан уларни Афғонистон ва Қозғистонга экспорт қилиш-ганимиз.

Ўтган йил якунларига назар ташлайдиган бўлсак, фирмада меҳнат қилаётган 19 нафар ишчи-хизматчининг изланишлари асосида 50 миллион сўмлик маҳсулот тайёрла-ниб, 19 миллион сўмлик соф фойдага эришилди. Эътиборли-ни шундаки, ушбу маҳсулотларнинг барчаси чет эл технологияларидан самарали фойдаланиб, маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда. Айни кунларда эса фир-мада янги маҳсулот — говакли плит-калар ва гипсланган карто-нлар тайёрлаш у ч у н с а ё й -ҳаракатлар давом

этиш, панжара ва деворлар, йўлка плитчаларининг бир неча хилини ишлаб чиқармоқдамиз. Муҳими эса маҳсулотларимизга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар бор. Жорий йилдан уларни Афғонистон ва Қозғистонга экспорт қилиш-ганимиз.


тиришга қаратилган эътиборга муҳим ҳисса қўиши ниятида спорт анжомлари тайёрланмоқда. Хуллас, тадбиркорлар бозор талабларидан, бугунги им-кониятлардан келиб чиқиб мам-лакат иқтисодиёти ривожига маълум даражада ҳисса қўиши-га аҳд қилиш-ганимиз.

Ўтган йил якунларига назар ташлайдиган бўлсак, фирмада меҳнат қилаётган 19 нафар ишчи-хизматчининг изланишлари асосида 50 миллион сўмлик маҳсулот тайёрла-ниб, 19 миллион сўмлик соф фойдага эришилди. Эътиборли-ни шундаки, ушбу маҳсулотларнинг барчаси чет эл технологияларидан самарали фойдаланиб, маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда. Айни кунларда эса фир-мада янги маҳсулот — говакли плит-калар ва гипсланган карто-нлар тайёрлаш у ч у н с а ё й -ҳаракатлар давом

Шубҳасиз, ҳар бир қилинган ҳаракатнинг, астойдил интили-нинг самараси кўринади. Бунинг юқоридаги тадбиркор аёл Мукамбар Мақсудова фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. У жорий йилда ўтказилган «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг Чилонзор туман босқичида голибликни қўлга киритиб, «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлди. Кўрик-танловнинг пойтахт босқичида эса «Энг яхши тадбиркор аёл» ҳамда «Фаол хомийлик кўрсатган корхона» йўналишлари бўйича голиб деб топилиб, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Меҳр ва мурувват йилида қўпгина саховат ишларини ҳам қўзда тутганмиз, — дейди Мукамбар опа. — Лекин бунинг ошқор этиш, рақамлар билан ифода-лаш шарт эмас. Негаки халқимизда «Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин», деган ахойиб ған бор. Энг муҳими эса иқти-содиётимиз ривожини, халқимиз фаровонлигини ҳиссамиз бўли-шини истаймиз.

Дилноза ҒИЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхонада тайёрланаётган қурилиш ашёлари.



Қишқ Халқа йўли

КЎПРИКСОЗЛАР ҲИММАТИ

Транспорт тизимининг олдини олишда, ҳайдовчиларга қўлайлик яратишда йўллари бир-бирига боғловчи мустаҳкам ва замонавий кўприкларнинг ўрни алоҳидадир. Бир вақтнинг ўзида ҳам кўприк ости йўли, ҳам устидан транспорт қатновининг давом этиши беҳуда вақт сарфлашининг, тиқилинч ҳолатларнинг олдини олишга заррача ҳисси аён.

Бугунги кунда қурилиш-тиклаш ишлари янада жадаллашган ушбу қурилиш майдонига бош пудратчи — «Кўприққурилиш» трестига қарашли 13-кўприк қури-лиш отряди бунёдкорлари-га ёрдамчи пудратчилар — 14, 67-кўприк қурилиш от-ряди кўприксоозлари ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. Ишлар кўлами бирмун-ча кенгайгани боис ҳам ҳозирда 300 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар икки ме-сенада ишлашмоқда. Кўприксоозларнинг меҳнат-лари унуми ва самарадор-

тимиз вилотларида қури-ётган йирик кўприкларда ҳам муваффақиятли қатна-шишмоқда. Ушбу кўприкни қуришда эса айни пайтда 68 та ишчи-хизматчимиз ишти-рок этмоқда. Улар орасида монтажчи, бетончи, дурад-гор, пайвандчи ва бошқа хунар эгалари вазифаларини сидқидилдан удалашмоқда.

Айниқса, Бойқобил Тоште-миров, Бахтиёр Кенжаев, Эркин Жўрақулов, Ҳусан Ҳамроқулов, Акмал Сулай-монов, Азамат Юсупов син-гари бунёдкорларимиз фа-

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: 67-кўприк қурилиш отряди ишбошиси (чапдан) Мажид Рамазонов, участка бошлиғи Марат Жумабоев ва уста Носир Маликов бажарилган ишларни кўзатишмоқда; мон-тажчи Акмал Сулаймонов ҳамда бригадир Ҳусан Ҳамроқулов тажрибали ишчилар сирасидан; қурилиш майдо-нида.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



ҳалаш ва қайта қуриш институти мутахассислари лойиҳаси асосида қайта қурилиб-таъмирланаётган ушбу коллежнинг қиёфаси ўзига хос бўлади. Бу лойиҳадаги ишларни бекам қўст адо этиш, кези кел-ганда эса лойиҳачи синфлар учун му-сика ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчилари етказиб берилади. Фаоллар залида эса ҳар қандай тадбир ҳамда байрам кечаларини ўтказиш имконияти мавжуд бўли-ши талабаларга завқ бағишлаш, шубҳасиз. Негаки, биз коллежга таширф буюрган қуни талабалар ўтказаятган ажойиб тадбир фой-еда бўлаётган экан.

Коллежини қайта қуриш қизгин бораётган ушбу дамда барча ўз ишини бажаришга интиляпти. Сувочки, бўёкчи, дурадгор, мон-тажчи, электрчи, сантехникдан тор-тиб ишбошию участка бошлиғи, бош муҳандисгача эртдан то кеч-

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИШ ДОМО БУЛУР...

• Насиҳат қабул қилмаган кишига насихат қилмоқ ўз қадрини синдирмайдир. Очқўз кишини очқўзликдан қутқариш учун уринмоқ ўз вақтини беҳуда йўқотмоқдир. Жаҳонда тараққий қилмоқни ихтиёр қилган кишилар иши одобга яқин бўлмоқ, ёмонлик қилишдан қочмоқ, яхши дўстларга сўянмоқ ва ҳамсухбат бўлмоқдир.

• Яхшилик қилишга бўлмаса имкон, ёмонлик қилмаган, қайтар ўзингга. Кўполликни ташлаб, лутфингни кўрсат, Токи чўп тушмаган соғлом кўзингга. Бировнинг ғийбатин қилмаган асло, Ночорлик боқмаган нурли юзингга, Ҳар кимга юшмоқ сўз гапиролмасанг, Заҳар қўшмай гапир хар бир сўзингга.

• ХИҚМАТ. Ҳақимларнинг ҳиқматларидан келтирилишича, ёлғизликдан кўра қийинроқ меҳнат йўқ. Бироқ ёлғизлик ёмон улфатдан яхшироқдир.

Байт:
Ёлғизликдан оғир ранж йўқ жаҳонда,
Ундан бадтар нима?
Биласанми ҳеч?
Ёмон улфат билан яшамок эрур,
Бундай кишилардан узоқ юру кеч!

• Саҳий ва олижаноб кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларига рағбат қилади. Ёмон феълли ва фасод табиати кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабиҳ иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан яхшилар орасидаги суҳбат таъсири худди шамол каби-дир. Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбўй хидларни бошлаб келади. Агар ширин хидли жойлардан ўтса, муаттар исларни келтиради.

Байт:
Хар кимнинг бор экан танида жони,
Ким билан сўзлашса, бўлар таъсири.
Ёмонлик бўлмаса кишининг афёли,
Доим яхши билан хуш суҳбат курар.

• Оғирчилик ва гамгинликда қурилган оқил суҳбат боз ва ишратда ўтказилган жоҳил суҳбатидан афзалдир.

Суҳбат учун топсанг доно кишини,
Ёмонларни яқин йўлатма зинҳор.
Дилга ёққан факир доно суҳбати,
Нодон бойдан кўра яхшидир минг бор!

ЎЗБЕК АТЛАСИНИНГ ТОКИО КОЛЛЕКЦИЯСИ

Токиода ўзбек атласидан тикилган замонавий либослар кўргазмаси очилди. Унда машҳур япон санъатшуноси Мамико Окабе хонимнинг сўнгги 5-6 йил давомида Ўзбекистон ва Европанинг қатор мамлакатларида олиб борган илмий-ижодий изланишлари ўз ифодасини топган.

“XXI асрнинг илк йиллари дунё сийсатчилари ва халқаро матбуотнинг Марказий Осиёга янги ғоялар манбаи сифатидаги эътиборнинг кескин кучайиши билан баҳоланади. Аммо мазкур минтақага замонавий либослар дизайнерларининг нигоҳи биринчи бўлиб тушган”, дейилади Япониянинг энг йирик кундалик нашрларидан бири “The Daily Yomiuri” газетасида. Япон мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистонда яхши сақланиб қолган мато тайёрлаш ва либос тикиш аъёнлари бугунги кунда дунёга машҳур дизайнерларни илҳомлантириб келмоқда.

М.Окабе хоним ҳам ушбу кўргазмани ташкил этишда ўзбек миллий либослари фалсафасини тўлиқ тушунган ва уни ўз ижодий йўналиши билан бойитишга ҳаркат қилаётган жаҳонга машҳур қарийб 40 та дизайнер орасидан 6 тасининг ишларини танлаган. Кўргазмада, айниқса, Францияда катта муваффақият қозонган Жон Галланонинг баҳор-ёз коллекциясига кўпроқ ўрин ажратилган. Унинг ишларида ўзбек либосларининг асл тузилиши деярли сақланган бўлиб, камалақранг атлас ва ипак матоларининг ўзига хослигига урғу берилган.

— Кўргазмани ташкил этишда ўзбек маданиятига нисбатан Японияда тобора ошиб бораётган қизиқишни инобатга олдик, — дейди М.Окабе хоним “Жаҳон” АА мухбирига берган интервюда. — Кийим-кечаклар ҳар бир халқнинг урф-одатлари, дунёқараши, турмуш тарзи ва аъёнларини ўзида жам этади. Японияликлар ушбу кўргазма орқали жаҳон цивилизациясида “Шарқ гавҳари” номини олган кўхна ва замонавий Ўзбекистон маданияти билан янада яқинроқ танишиш имкониятига эга бўладилар.

Кўргазмада замонавий кийим-кечаклар билан бир қаторда аъёнларий услубда тикилган либослар ҳам намойиш қилинмоқда. Хотин-қизларнинг кумушдан тайёрланган турли тақинчоқлари, ранг-баранг ипак матоларининг асл нусхалари, Ургут ва Фарғонада ишланган сўзаналар ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Шу йил февраль-март ойларида Киото шаҳрида намойиш этила бошланган мазкур кўргазма июль ойига қадар токиоликлар эътиборида бўлади. Сўнгга у йил мобайнида Фукуока ва Кобе шаҳарларига кўчади.

Тай тақвими бўйича янги йил апрель ойининг ўртасида кутиб олинади. Шу муносабат билан Бангкок шаҳрида ўтказилган Сонгкран фестивалида Ўзбекистоннинг Таиланддаги Бош консулхонаси ходимлари ҳам муносиб иштирок этди.

БАНГКОКДА СОНГКРАН БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ФЕСТИВАЛЬ

Мамлакатимиз ҳаётига оид кўргазма фестивал иштирокчиларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Унда Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби кўхна шаҳарлар, она дёғримизнинг гўзал табиати ва жаннатмакон масканларини намоеён этувчи фотолавлалар, ҳунармандлар ва ёғоч ўймакорлиги ўстала-рининг маҳсулотлари, қўли гул зардўзларини тиккан миллий кийим-кечаклар намойиш этилди. Шунингдек, кўргазмадан мамлакатимиз ижтимоий-сийсатий ва иқтисодий ҳаётига оид адабиётлар ҳам ўрин олди.

Тадбир иштирокчилари, хусусан, тай сийсатдонлари ҳамда Таммасат университети профессор ва ўқитувчилари Ўзбекистонда турли жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар кўламига юқори баҳо берди.

Бангкокнинг Вадана тумани маданият маркази раҳбари, профессор Криенгсак Чареон-вонгсак эса халқимиз бой маданияти унда чуқур таассурот қолдирганига алоҳида тўхталиб, бундай маданий анжуманлар халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривож топишига хизмат қилишига ишонч билдирди.

“Жаҳон” ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

Ана шундай инсонлардан бири ўз билими, илмий салоҳиятини фанимиз тараққиётига бахшида этган олима Мурувват Солиховадир. 1950 йилда Низомиё номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Табиат ва биология фани ўқитувчиси мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугаллаган Мурувват Солихова шу олий ўқув юрти аспирантурасига танлов асосида қабул қилиниб сўнгга «Одам анатомияси ва физиологияси» кафедрасида ассистент сифатида фаолият кўрсатди. 1962 йилда эса кафедранинг катта ўқитувчиси этиб тайинланди. У ўзининг илмга чанқоқлиги, тиришқоқлиги билан ҳамкасблари орасида алоҳида ажралиб турарди. Камтар ва меҳнатсевар, ўз ишига сидқидилдан ёндошиб, масъулиятни чўқур ҳис эта олишдек инсоний фазилатлари Мурувват опани камолот пиллапооялари сари етаклади. 1965 йилда Ўзбекистон Миллий университети (собиқ ТошДУ) кенгашида «Ташқи юқори босим шароитида ўқувчиларда юрак-қон томирлари шартли рефлекс» мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, кенгаш қарори билан биология фанлари номзоди илмий унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, тинимсиз изланишлари самарали меҳнатлари туфайли «Анатомия, физиология ва

мактаб гигиенаси» кафедрасига доцентлик лавозимига танлов асосида тасдиқланди. Шу билан бирга институт хотин-қизлар кенгашида ҳам ташаббус-

номи ҳам, қилган эзгу ишлари ҳам йиллар ўтса ҳамки унутилмайди, яқинлари, дўстлари, шогирдлари томонидан ҳурмат билан ёдга олинади. Му-

даражасига етказишда Мурувват опанинг хизматлари улкандир. Тиниб-тинчимас бу заҳматкаш инсон нафақага чиқиб ҳам дам олишни ўйламай, институтда ёки маҳалладаги жамоат ишларида фаол иштирок этиб, эл дарди, одамлар ташвишига шерик бўлиб яшади. М.Солихова тўрт нафар фарзандига яхши тарбия бериб, уларни комил инсон бўлиб ҳаётда ўз ўринларини эгаллашларида турмуш ўртоғи, иқтисодчи олим — Ҳожимурод Абдуғаниев билан бирга намуна ва таянч бўлди. Ҳозирда фарзандлари — фан доктори, халқ таълими аълочиси каби даражаларга етиб, олим, шифокор, ўқитувчи сингари касбларда эл хизматидалар. Ушбу оиладаги меҳнатсеварлик, илмга бўлган чанқоқлик наслдан наслга ўтмоқда.

Дарҳақиқат Мурувват Солиховани билган ё ундан таълим олган, ёхуд у билан ҳамсухбат бўлган инсонлар шубҳасиз унинг юксак инсоний фазилатлари, билим даражаси маданий-маърифий салоҳиятини бугунги кунда ҳурмат билан ёдга олишади. Ибратли умр пиллапоояларини босиб ўтган заҳматкашларнинг сермазмун ҳаётлари кўпчиликка намуна бўлади албатта. Зеро, яхши инсонлар хотираси, уларнинг қилган эзгу ишлари ҳеч қачон унутилмайди.

Дилором ИКРОМОВА

Хотира қўйонса қўзандир

ИБРАТЛИ УМР



Ўтган авлод-аждоғларимизни хотирлаш, тирикларни қадрлаш энг олий қадриятларимиздан биридир. Хотира улуг ва муқаддас туйғу. Дунёда яхши инсонлар кўп. Бутун умрини эзгу ишларга бағишлаб одамларга яхшилик қилиб, келгуси авлодларга ўзидан яхши ном, қолдириб кетган ҳамюртларимизнинг қилган хайрли ишлари йиллар ўтса ҳамки такрор ва такрор ёдга олинаверади.

корлик кўрсатиб, маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этди.

Мазмунсиз йилдан маъноли кун яхши албатта. Вақтни ганимат билганнинг умри мазмунли ўтади. Мурувват Солихова ҳам ўз умрининг қадрини билди ва ҳаётда илм ўрганиш ва келгуси авлодларга мустаҳкам билан қолдиришга ҳаракат қилди. Унинг талабалар учун ўқув қўлланмаси — «Одам анатомияси» ва 60 га яқин илмий мақолалари чоп этилди.

Яхши инсонларнинг

рувват Солихованинг ҳалол ва самарали меҳнатлари ҳам эътиборсиз қолмади, албатта. Унинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳо-ланиб «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишонага сазовор бўлди. «Меҳнат фахрийси» медали билан тақдирланди. Низомиё номидаги Тошкент Давлат институти (ҳозирги педагогика университети)да 44 йил меҳнат қилиб, талабаларга билим бериб, уларни илми, ҳар томонлама баркамол ва етук инсонлар

Шурфа олам

ЯНГИ
АТЛАНТИДАЛАР

Дунё океани сатҳининг кўтарилиб бориши барча мамлакатларни жиддий хавотирга солимоқда. Кўплаб орол ва соҳилбўйи ҳудудларининг сув остида қолиш хавфи бор. Мазкур муаммонинг бош сабаби сайёрамизда ҳарорат кўтарилиб бораётгани ва музликлар эриётганидадир. Бу ҳолат давом этаверса, айрим минтақалар янги аср Атлантидасига айланиб қолиши мумкин.

Италиялик мутахассисларнинг таҳминига кўра, 2090 йилга қадар Ўртаер денгизи 18-30 сантиметрга кўтарилади ва 4500 квадрат километрлик майдондаги текисликлар сув остида қолади. Адриатика ва Тиррен денгизлари соҳиллари ана шундай ўта хавфли ҳудудлар деб ҳисобланмоқда. Шунингдек, Ўртаер денгизи-сатҳининг кўтарилиши Венеция шаҳрига, Франциянинг жанубий қисмига ва Миср қирғоқларига зарар етказиши мумкин.

Тинч океанининг баъзи ороллари эса ҳозирда ноқ сув босмоқда. Яқинда Австралия ва Гавайя ораллиғидагу Тувалу маржон архипелагининг катта қисми биров мuddат сув остида қолди. Океан сатҳи бутунлай кўтариладиган бўлса, мазкур орол дастлабки қурбонлардан бирига айланиши шубҳасиздир.

Ҳинд океани соҳиллари ҳам чўкиб кетиш муаммосидан ҳимояланмаган. 2020 йилда Ҳиндистоннинг Бомбей, Калькутта ва Мадрас шаҳарлари, шунингдек, Бангладеш пойтахти Дакка сув остида қолиш муаммосига дуч келиши башорат қилинаётир. Мутахассислар фикрича, яқин йилларда денгиз сатҳининг кўтарилиши биргина Гоа штати учун бир неча миллиард долларлик зарар келтиради. Кейинроқ эса соҳил бўйидаги шаҳарларни тарк этишга ҳам тўғри келиши мумкин.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги, 148-умий ўрта таълим мактаби томонидан Каримова Гулчехра Эрметовна номига берилган АО № 080779 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Мадбирлар

МЕХР-МУРУВВАТ —
ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ватан остонадан бошланади. «Ватан ичра кичик бир Ватан» бўлиши маҳалланинг тарихини билмай, ота-боболаримиз қолдирган маданий меросимизни ўрганмай туриб келажакка қадам қўя олмаймиз. «Маънавият ва маърифат» марказининг жойлардаги бўлимлари ташаббуси билан шаҳримиз маҳаллаларида шу йўналишдаги тадбирлар уюштирилаётгани эса қувонарли ҳолдир.

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Шайхонтоҳур» маҳалласида туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида «Мехр-мурувват — олий қадрият» мавзuida ташкил этилган тадбирга маҳалла фаоллари, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ёшлар таклиф этилди.

Пойтахтимизни авлиёлар шаҳри деб ҳам аташади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича шаҳримизда яшаб ўтган 137 нафар авлиёларнинг 30 нафари Шайхонтоҳур туманида туғилган ва шу ерда истикомат қилган экан. Маҳалла оқсоқоли Сирожиiddин Толипов тадбирни очар экан, умрини хайрли ва эзгу ишларга сарфлаган кишилар, хусусан шайх Хованд Тоҳур ҳамда Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш маънавий қадриятларимизни эъзозлаш эканлигини таъкидлаб ўтди. Жорий йилнинг Мехр ва мурувват йили деб номланиши ҳам миллий қадриятларимизга бўлган ҳурматнинг ифодасидир. Шу боисдан ҳам бир-биримизга ғамхўр бўлайлик, меҳр ҳеч биримизни тарк этмасин», — дея сўзи

ни якунлади оқсоқол.

«Маънавият ва маърифат» марказининг Шайхонтоҳур туман бўлими раҳбари Сабодхат Ҳамидованинг ўз давларида шайх



Хованд Тоҳур ва Хожа Аҳрор Валийнинг атраф-муҳитга, табиатга, инсонларга кўрсатган меҳр-мурувватлари бекиёс бўлганлиги

Назн гулшани

МУНАВВАР ҚИЛ

Малоҳат гулшани шами шабистоним мунаввар қил,
Эй шам, телба парвонани
оташигга мустама қил.

Эй сен малоҳат мулкининг кўрки мунаввар, мениким,
Этти икким беағига
шаҳаншоҳу музаффар қил.

Хуснинг гулидан мунаввар ўлсин десанг кўнглиларни,
Сочин ғамзасига мен
бечорани таковар қил.

Шаму шабистон мулкининг тожи-тождору сарвари,
Мурувват нуринга
жонимни мукамбар қил.

Дийдоринг майига сархуш ўлсин десанг бу Мажнунни,
Икки қошу икки қуёш
мулқига мени сарвар қил.

Ўзинг кишвар, ўзинг махвар, ўзингдирсан шамсу қамар,
Малоҳат гулшани шами

шабистонига меҳвар қил.
Йиғламакдан толди кўзим,
ашкига фарқ бўлди Ўктам,
Фано мулкин тарк этса гар
бақо аро мўътабар қил.

Ғамдан халос ўлмас жонон ташлаб мени ғам устина,
Парвонадай шаҳид этимиш ташлаб тунлар мени устина.
Бир лаҳзақим шохлик қилсам жаннат янглиғ нур чехрага,
Босмас эрдим пешонамни хижрону алам устина.
Баским, чекиб фарёд пинҳон, юз баҳрни ҳазон қилиб,
Ҳасрат юкин ортдим нечун фанои олам устина.

Маҳшар тонги отғач ё раб,
қай юз бирла қарар юзга,
Ул лўливаш қонли ашким тўкибон қалам устина.
Кечиб ору номуздан, кечиб тахту равондан,
Башоқлик ўқин ёғдирди менингдек мулзам устина.
Ишқ бозори қасод ўлди, қасод ўлса харидори,
Унут Мажнун қонларини сочингиз малҳам устина.
Фироқ ортиқ азобларинг ортдиким Ўктам устина,
Ташнадурман ишқ гулига ёпингиз танам устина.

Ўктам ҲАКИМАЛИ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРОБОД ТУМАНИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН ВА БАНКРОТ
ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КОРХОНАЛАР БЎЙИЧА ХАБАР

«Рохат савдо» ХФ Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2004 йил 22 апрелдаги 1-0420/1462-сонли ҳал қилув қарори билан «БАНКРОТ» деб эълон қилинди ва тугатиш ишлари бошланди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой мuddатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин. Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 23-«А» уй, Миробод тумани ДСИ биноси, 602-хона. Тугатиш бошқарувчиси этиб Миробод туман ДСИ ходими Р.Ф.Хусанов тайинланган. Корхонанинг ўз вақтида топширилмаган муҳри ва бурчакли тамғаси бекор қилинади. Маълумот учун тел: 55-38-64.

«Эр-Саид» ХФ Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2004 йил 22 апрелдаги 10-0420/1466-сонли ҳал қилув қарори билан «БАНКРОТ» деб эълон қилинди ва тугатиш ишлари бошланди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар

2 ой мuddатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин. Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23-«А» уй, Миробод тумани ДСИ биноси, 602-хона. Тугатиш бошқарувчиси этиб Миробод туман ДСИ ходими М.А.Ризикүлова тайинланган. Корхонанинг ўз вақтида топширилмаган муҳри ва бурчакли тамғаси бекор қилинади. Маълумот учун тел: 55-38-64.

«Осиёкимёсавдо» МЧЖ Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2004 йил 22 апрелдаги 10-0420/1581-сонли ҳал қилув қарори билан «БАНКРОТ» деб эълон қилинди ва тугатиш ишлари бошланди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой мuddатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин. Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23-«А» уй, Миробод тумани ДСИ биноси, 602-хона. Тугатиш бошқарувчиси этиб

Миробод туман ДСИ ходими А.Б.Ҳақиллов тайинланган. Корхонанинг ўз вақтида топширилмаган муҳри ва бурчакли тамғаси бекор қилинади. Маълумот учун тел: 55-38-64.

«Афросиёб-тижорат» МЧЖ Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2004 йил 22 апрелдаги 10-0420/1463-сонли ҳал қилув қарори билан «БАНКРОТ» деб эълон қилинди ва тугатиш ишлари бошланди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой мuddатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин. Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23-«А» уй, Миробод тумани ДСИ биноси, 602-хона. Тугатиш бошқарувчиси этиб Миробод туман ДСИ ходими Х.К.Исmoilов тайинланган. Корхонанинг ўз вақтида топширилмаган муҳри ва бурчакли тамғаси бекор қилинади. Маълумот учун тел: 55-38-64.

«ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан
ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30
гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
Манзилимиз:
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй, 2-қават, 204-хона.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Собир Раҳимов (Тошкент Давлат тиббиёт институти тиббиёт билим юрти) тиббиёт коллежи

2004-2005 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
КОЛЛЕЖГА:

Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Тошкент, Зангиота, Қибрай туманларида яшовчи, 9-синф, 11-синф маълумотиغا эга бўлган йигит-қизлар «Хамширалик иши», «Фармация», «Лаборатория диагностикаси» ва «Акушерлик иши» йўналишлари бўйича қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент-109, Шифокорлар шаҳарчаси, 6-ётоқхона биноси
Автобуслар: 10, 28, 34, 82, 116 «Тиббиёт коллежи» бекати.

2004 йил 14 май —
«ОЧИК ЭШИКЛАР КУНИ» ўтказилади
Халқимиз дардига малҳам бўламан, деган йигит-қизлар!
Коллежимизга ўқишга марҳамат қилинг.

Спорт

УЧКУРАШ
УСТАЛАРИ
БЕЛЛАШМОҚДА

Кеча Зарафшонда пол-
вонлар спорти — пауэр-
лифтинг бўйича Осиё
чемпионати баҳслари
бошланди.

Шуни айтиш керакки, За-
рафшонда спортнинг ушбу
тури кейинги йилларда жа-
дал ривожланмоқда. Юри-
мизнинг энг кучли пауэрлиф-
тинг усталарининг аксарият
қисмини зарафшонлик пол-
вонлар ташкил этади. Шу
жиҳатдан олганда айнан За-
рафшон шахри 2000 йилда
ҳам қўтқа чемпионатида мез-
бонлик қилгани бежиз эмас.

Бу гал ҳам беш кун даво-
мида Эрон, Филиппин, Жа-
нубий Корея, Япония, Индо-
незия каби мамлакатларнинг
спортчилари қўтқа чемпи-
онлигини қўлга киритиш учун
кураш олиб боришади.

Биз юртдошларимизга ну-
фузли мусобақаларда омад
тилаб қоламиз.

ОСИЁДА
ТЎРТИНЧИ
БЎЛИШДИ

Макаода мини-футбол
бўйича олтинчи Осиё че-
мпionatoи кўни кеча ўз по-
нига етди.

Баҳодир Аҳмедов, Дил-
шод Дониёров, Шавкат Му-
ҳиддинов, Николай Одушев,
Шавкат Абдураимов каби куч-
ли ва синалган ўйинчилардан
ташқил топган мамлакатимиз
кичик футбол усталари че-
мпionatoи ёмон бошлашмади.
Гуруҳ баҳсларидан муваффа-
қиятли ўтиб чорак финалга
йўлланма олишди. Ушбу
босқичда ҳамюртларимизга
жуذا кучли Жанубий Корея
футболчилари рўпара келиш-
ди. Бутун ўйин давомида фут-
болчиларимиз 1:0, 5:4 ҳисо-
бида олдинда боришган
бўлсада, баҳс охирида 5:5
ҳисобидаги дуранг вазият
юзага келди. Фақат бутун к-
чини ишга солган футболчи-
ларимиз 6:5 ҳисобидаги
қийин ғалабани қўлга кири-
тишга муваффақ бўлишди.

Ярим финалда япониялик-
лар билан беллашган фут-
болчиларимиздан бу гал омад
юз ўғирди. Ушбу кескин баҳс
4:2 ҳисобида рақибларимиз
фойдасига ҳал бўлди.

Учинчи ўрин учун Таиланд
термаси билан кечган учрашув
ҳам қўп нарсани ҳал қиларди.
Зеро, мазкур ўйинда ғалаба
қозонган жамоа шу йилнинг
ноябрь, декабрь ойларида
Хитой Тайпейида бўлиб ўта-
диган жаҳон чемпионатида
йўлланмани қўлга киритарди.
Афсуски, қаторасига иккинчи
мағлубият аламини тогган
мини-футболчиларимиз маз-
кур қўлай имкониятдан фой-
далана олишмади.

Осиё чемпионати финали-
да Япония футболчиларини
5:3 ҳисобида енган Эрон тер-
маси қўтқа чемпиони бўлди.
Шундай қилиб Эрон, Япония
ва Таиланд футболчилари
совринли ўринларни қўлга
киритганлари ҳолда жаҳон
чемпионатида қатнашиш
ҳуқуқини қўлга киритишди.

(Ўз мухбиримиз)

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР
ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

Мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбия олиш-
лари, жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб вояга
етишлари йўлида кенг кўламдаги саъй-ҳаракатлар
амалга оширилмоқда. Айниқса спорт соҳасига эъти-
бор берилиши жаҳонга Ўзбекистон номини танитиш,
қатор иқтидорли ёшларнинг етишиб чиқишида ало-
ҳида омил бўлмоқда. Ўтказилаётган нуфузли мусоба-
қалар янги-янги иқтидорларни кашф қилмоқда.

Хусусан, бу борада Халқ таълими вазир-
лигига қарашли Республика ўсмирлар спорт
маҳорати олий мактабида ҳам ибратли иш-
лар амалга ошириб келинмоқда. Бу ерда
1040 нафар ўғил-қизлар акробатика, бас-
кетбол, теннис, шахмат каби спортнинг ўн
олти хил тури бўйича мунтазам шуғулланиб
келмоқдалар. Қатор
нуфузли мусобақалар-
да қатнашиб совринли
ўринларни эгалламоқ-
далар.

— Мактабимизда
тез-тез спорт мусоба-
қалари ўтказилиб ту-
рилади, — дейди бу
ҳақда ўқув маскани
раҳбар Билал Аъза-
мов. — Бунинг учун
ҳамма шарт-шароитлар
етарли. Барча замона-
вий техник жиҳозлар
билан таъминланган-
миз. Тарбияланувчила-
римиздан бокс бўйича
Андрей Васкаянан,
Сергей Забелин, дзю-
до бўйича эса Аниса
Гармонова, Мария Ор-
лова сингари ёшлар-
нинг қўлга киритаётган
ютуқлари маҳоратли
мураббийларимиз меҳ-
натининг маҳсулидир.


Яқинда
ушбу мак-
табда кат-
та спорт
мусоба-
қаси бўлиб ўтди.

Мактаб мураббийлари
Қозоғистоннинг «Петро Қозоғистон» жамо-
аси мураббийлари
билан бадминтон
бўйича халқаро тур-
нир саралаш босқичи
мусобақаларини
ўтказдилар.

Қизгин ва мураса-
сиз ўтган баҳслар на-
тижасига кўра қирқ
ёшдан юқори бўлган
бадминтон усталари
орасида тошкентлик
Игор Пё, Билал Аъза-
мов, аёллар ўртасида
эса олмаоталик Света
Салаевалар биринчи-
ликини қўлга киритиш-
ди.

Голибларга қим-
матбаҳо совғалар ва
Фахрий ёрлиқлар топ-
ширилди.

**ЮНУС АСРОРОВ
СУРАТЛАРДА:**
бўлиб ўтган мусоба-
қадан лавҳалар.



Табият ажойиботлари

Асрлар оша одамлар қушларнинг кўчиб юриши ҳақида ўйламас ҳам эди-
лар ва улар кишилар қўли етмайдиган жойларга кириб қишлайдилар деган
фикрга ишонардилар. Бундай тушунча VIII асргача сақланиб келди. Ҳатто-
ки буюк швед натуралисти Карл Линней ҳам шундай фикрда эди.

ҲАЛҚАЛАНИШНИНГ
АФЗАЛЛИКЛАРИ

Кейинчалик олимлар ҳар хил қушлар-
нинг кўчиб юриш йўлларини аниқлаш
усулларини топдилар ва уни дунё хари-
тасига туширдилар. Бунда олимларга қуш-
нинг оёғига кийгазиб қўйилган металл
ҳалқа қўл келди.

Даниялик ўқитувчи Мартенсен 1899
йили қушларни ҳалқалаш ғоясини бирин-
чи бўлиб кўтариб чиқди. Қушларнинг қан-
чалик масофага кўчишини билиш учун у
илик бор уларнинг оёғига ҳалқа ўрнатди.
Ҳаммаси бўлиб Мартенсен 102 та қушни
ҳалқалади ва унга ўз манзилини ёзиб
қўйди. Илмий мақсадлар йўлида қушлар-
ни ана шундай ўзига хос паспортлаш

ғоясини бутун дунё зоологлари қабул
қилишди. Ҳозирги кунда деярли барча
мамлакатларда қушларни ҳалқалаш мар-
казлари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳалқаланган қушлар кўпинча табиатшу-
нослар томонидан ушланади ва мазкур
қуш ҳақидаги маълумотлар, яъни ҳалқа-
даги ахборотлар ҳалқалаш марказига
жўнатилади. Бундай илмий ахборот орқ-
али олимлар қушларнинг миграция йўллар-
ини, қайси юрда қишлашини, шунинг-
дек баҳорда қурган инига қайтиб келиши
каби саволларга жавоб оладилар.

Бошқа тур ҳайвонларни ҳам шу усулда
ҳалқалаш ёки тамғалаш орқали ўта муҳим

маълумотлар олиш мумкин. Масалан кит-
ларни овлашда уларнинг миграция мудо-
датини ва йўлларини билиш ов самара-
дорлигини оширишда хал қилувчи аҳа-
миятга эга. Шунингдек илонларни тамғалаш
ҳам бир қатор муаммоларни ечишда қўл
келди. Илонларни тамғалаш учун улар-
нинг дум ости тангаларидан бирининг
бурчагига шартли рақамлар қўйилади.
Ана шу тамғага қараб илонларни ўз ини-
дан қанчалик масофага кетиб қолиши,
шунингдек уларнинг неча йил умр кўри-
ши каби саволларга жавоб олиш мумкин.
Масалан, илонлардан бир неча бор заҳар
олгандан кейин уларни табиатга қўйиб
юборилса, ушбу судралиб юрувчилар яшаб
кетадими-йўқми деган савол анча муно-
зарали ҳисобланади. Ана шу мақсадда
1979-1984 йиллар мобайнида 506 бош
чарх илонлар табиатга қўйиб юборилди,
орадан 1,5 йил ўтган ана шу илонлардан
22 дониси қайта ушланди.

Илонлардан заҳар олишда ана шундай
усулларни қўллаш табиатдан оқилона
фойдаланиш бобида муҳим қадам ҳисоб-
ланади.

ЯХЁ ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.



— Ҳозир касалхонамизда жой йўқ, отахон.



— Хизмат ҳақингизга «кўки»дан тўлаймиз, дўхтур ака.



— Марҳамат, сизни даволаймиз. Абдурашул Ҳақимов чизган расм.

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлигиБош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВМанзил: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-36Ҳақми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
4409 нускада босилади. Қозғоз бичими А-3Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563Нашри етказиб берил масаллари бўйича турар жойлардан почта
булмаларига ёки «Тошкент почтмат» — 133-74-05 телефонига
муросал қилишнинг мумкин.Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер
марказида терибли ва саҳифаланди.«Шарқ» нашрийт-матбоси акциядорлик компанияси босмохонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.